

АЁЛЛАР ИЖОДИДА “ИЛДИЗЛАРНИ ИЗЛАШ” ЙЎНАЛИШИНING  
ТУТГАН ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-376-383>

**Назирова Шукрия Миадовна**

ТДШУ Хитойшунослик факультети,

“Хитой филологияси” кафедраси доценти, PhD

Тел: +99890 97 1989110, e-mail: [doston088@mail.ru](mailto:doston088@mail.ru)

***Аннотация.** Мазкур мақола хитой адабиётининг ажралмас ва муҳим қисми хисобланган аёллар адабиётининг 1980 йиллардаги адибаларига бағишланади. 1978 йил Хитой тарихида янги саҳифа очилди. Хитой бутун дунёга ўзининг эшикларини очди. Жамиятдаги бундай чуқур ўзгаришлар инқилобий радикализмдан воз кечши ва ислоҳотлар сари қадам қўйиши билан изоҳланади. Маданий инқилоб даврида тазйиққа учраган кўплаб зиёлилар очиқликка чиқдилар. Мамлакат учун кучли ва малакали мутахассислар жуда зарур эди. Бу жараёнлар адабиётга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. 80-йилларнинг ўрталарида яратилган асарларда ёзувчилар халқнинг яқин ўтмишидаги даҳшатларини тасвирлабгина қолмасдан, мамлакат ривожига тўсиқ бўлаётган жамиятда ҳали ҳамон сақланиб келаётган иллатларни таҳлил ва мушоҳада қилишга уриндилар. Натижада публицистика ҳам жадал тараққий этиб, “илдизларни излаш” йўналиши пайдо бўлди. Адабиётда бу йўналишининг ривожланиши ўзига хос бир зарурат эди. Чунки Маданий инқилобдан кейин кўпгина ёзувчилар мавжуд адабиётнинг қашшоқлигини, қолақлигини тушуниб етдилар ва адабиётнинг янги босқичга қадам қўйишига фаол интилдилар.*

***Калим сўзлар:** Хитой, маданий инқилоб, аёллар адабиёти, “илдизларни излаш”, гарб адабиёти*

***Аннотация.** Эта статья посвящено женщинам-писателям 1980-х годов, которые являются неотъемлемой и важной частью китайской литературы. 1978 год открыл новую страницу в истории Китая. Китай открыл свои двери всему миру. Столь глубокие изменения в обществе объясняются отказом от революционного радикализма и шагом к реформам. Многие писатели, которые были угнетены во время Культурной революции стали высказывать свои мысления. Страна нуждалась в сильных и квалифицированных специалистах. Эти процессы оказали серьезное влияние на литературу. В произведениях, созданных в середине 80-х годов возникло направление «поиск корней». В литературе развитие этого направления было своеобразной необходимостью. Потому что после Культурной революции*

многие писатели осознали бедность и отсталость существующей литературы и активно стремились вывести литературу на новый уровень.

**Ключевые слова:** Китай, культурная революция, женская литература, “поиск корней”, западная литература

**Annotation.** This article focuses on the women writers of the 1980s who are an integral and important part of Chinese literature. The year 1978 opened a new page in the history of China. China has opened its doors to the whole world. Such profound changes in society are explained by the rejection of revolutionary radicalism and the step towards reform. Many writers who were oppressed during the Cultural Revolution began to express their thoughts. The country needed strong and qualified specialists. These processes had a serious impact on the literature. In the works created in the mid-80s, the "Search for Roots" movement arose. In the literature, the development of this direction was a kind of necessity. Because after the Cultural Revolution, many writers realized the poverty and backwardness of existing literature and actively sought to bring literature to a new level.

**Key words:** China, women's literature, cultural revolution, "search for roots", western literature.

Аёллар ижоди Хитой адабий жараёнининг ажралмас, узвий бир қисми ҳисобланади. Хитойда аёллар адабиётининг пайдо бўлиши жуда қадим даврларга бориб тақалади ва тараққиёт нуқтаи назаридан катта даврни камраб олади. Қадимий тамаддун ўчоғи ҳисобланган Хитой давлати ўз тарихий тараққиёти мобайнида жуда кўплаб таҳликали, зиддиятли сиёсий жараёнларни бошидан кечирди. Айниқса, XX аср турли инқилоблар, сиёсий талотумлар даври бўлди. Аёллар адабиёти ҳам давр билан ҳамнафас тарзда ривож топди. Бугунги кунга келиб Хитойда аёллар ижодкорларнинг номлари аноним қўлланиладиган қадимги даврлардан тубдан фарқ қилувчи аёллар адабий муҳити шакланган бир мамлакатга айланди. “Аёллар адабиёти” (女性文学) Хитойда расман адабий термин сифатида қўлланилади. Аёллар ижоди улкан адабий меросни ташкил қилиб, бугунги кунга қадар унинг турли қирралари дунё синологлари томонидан ўрганилиб келинмоқда.

1978 йил Хитой тарихида янги саҳифа очилди. Хитой бутун дунёга ўзининг эшикларини очди. Жамиятдаги бундай чуқур ўзгаришлар инқилобий радикализмдан воз кечиш ва ислохотлар сари қадам қўйиш билан изоҳланади.<sup>1</sup> Маданий инқилоб даврида тазйиққа учраган кўплаб зиёлилар очиқликка чиқдилар. Мамлакат учун кучли ва малакали мутахассислар жуда зарур эди. Бу жараёнлар адабиётга ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

<sup>1</sup> Рябченко О.Н. Литература Северо-Востока КНР в период реформ//Ойкумена, 2009, №3. – С.42

Хитойлик олим Хун Цзичен 80-йиллар адабиётини икки босқичга бўлишни тавсия қилади: 1985 йилгача бўлган давр ва ундан кейинги давр<sup>2</sup>. XX аср 80 –йилларининг бошлари турли ғоявий маданиятлар “очиш” ва “сингдириш”, “маданий инқилоб модели” ва соцреализмни йўқ қилиш йўллари ишлаш даври бўлди. Маърифатчилик руҳидаги инсопарварлик ва модерн адабиёт жамоатчилиги диққат эътиборида бўлди. “Чандиқлар адабиёти” ўрнига келган “ўтмиш ҳақида ўйлар адабиёти” маданий инқилобни танқид қилиш йўлини тутган бўлса, 80 йилларда бу мавзу эътибордан четда қолди. Ёш ижодкорлар қайғули ўтмишга эмас, эркин ижодга, турли мавзуларга мурожаат қила бошладилар. Янги услублар ривож топа бошлади. Томас Элиот, Виржиния Вулф, Норма Мейлер, Дональд Бартельм каби ёзувчиларнинг ижоди хитой авангардининг ривожига сабаб бўлди.

Замон ва макон, реал ва тасаввурдаги оламлар ўртасидаги чегараларнинг йўқолиши, “онг оқими”, асар матнларига фольклор унсурларининг қўшилиши, ғайритабиийликнинг кучайиши каби хусусиятлар хитой ёзувчилари томонидан воқеликни қайта баҳолашда унумли фойдаланила бошланди. ХКП раиси Ху Яобан 1984 йили “ижодий эркинлик”ка даъвати ёзувчиларнинг ижодий фантазияларига кенг йўл очди. Хитой ижтимоий дискурсида бу давр “Маърифатчиликнинг янги асри” номини олди. 80-йилларда Ницше фалсафаси, Фрейднинг психоанализи, Сартр экзистенциализмига қизиқиш ортди. Уларнинг назарияси хитойлик ёзувчи ва шоирларнинг дунёқарашига жиддий таъсир кўрсатди.

1986 йили декабр ойида минглаб талабалар Пекин кўчаларига ислохотлар ўтказилишини талаб қилиб чиқдилар. “Майли юзлаб гуллар яшнасин, юзлаб мактаблар рақобатлашсин” деган шиор кун тартибига чиқди. Узок йиллар давомида сиёсий вазият туфайли мажбурий ижод қилган ёзувчи ва шоирлар энди фикрларини очик ёза бошладилар. Бу даврни махсус ўрганган О.Рябченконинг маълумотига кўра, ўтган йиллар мобайнида бу қадар жанрлар ва адабий йўналишлар хилма хиллиги кузатилмаган эди. Олим бу даврда бир вақтнинг ўзида учта авлод ёзувчилари адабиёт майдонида ижод қилганлигини таъкидлайди. Биринчиси, 40-йилгача дунёга келган катта авлод, иккинчиси, 40-50 йилларда туғилган ўрта авлод ва, учинчиси, 50-60 йилларнинг бошларида дунё келган ёзувчилар авлоди<sup>3</sup>. Ҳар бир авлод ёзувчиларининг ўз ижод принципи, илгари сурган ғоялари ва воқеаликка ёндашув услуби мавжуд.

<sup>2</sup> Хун Цзычэн. Литературные процессы в 80-е годы. / В книге: История современной китайской литературы. – Москва, 2016. - С.196

<sup>3</sup> Рябченко О.Н. Литература Северо-Востока КНР в период реформ//Ойкумена, 2009, №3. – С.40

Катта авлод инқилоб ғояларига содиқ бўлиб, машхур хитой мунаққиди Ван Мэн таъкидлаганидек, бу авлод мамлакат адабиётининг келажаги учун масъул ҳисобланган<sup>4</sup>.

Ўрта авлод – “маданий инқилоб” йилларида қишлоқларга сургун қилинган ижодкорлар бўлиб, улар гарчи инқилобий ғоялардан бир қадар воз кечган бўлсаларда, ҳамон янги қадриятлар тизимини яратиш, борлиқнинг моҳиятини англашга кўпроқ эътибор қаратдилар. Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” асарининг таржима қилиниши ва бу асарнинг кучли таъсири Хитойда “илдизларни излаш” оқимининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу йўналишнинг асосчи 韩少功 Hán Shǎogōng<sup>5</sup> дир.

Учинчи авлод ёзувчилари эса ижодий жараёнга индивидуал ёндашиб, воқеликни рўй рост ифодалаш, маданий инқилоб фожеаларини ва унинг инсонлар руҳияти, тақдирига таъсири масаласини кўтариш тарафдорларидир. Бу давр ижодкорларининг бош принципи бу Ҳақиқатдир.

80-йилларнинг ўрталарида яратилган асарларда ёзувчилар халқнинг яқин ўтмишидаги даҳшатларини тасвирлабгина қолмасдан, мамлакат ривожига тўсиқ бўлаётган жамиятда ҳали ҳамон сақланиб келаётган иллатларни таҳлил ва мушоҳада қилишга уриндилар. Натижада публицистика ҳам жадал тараққий этди. “Илдизларни излаш” йўналиши пайдо бўлди. “Илдизларни излаш” 寻根文学 xúngēn wénxué муҳим маданий йўналиш ҳисобланиб, бу тушунча миллий маданий анъаналарнинг рамзи маъносида ҳам қўлланила бошланди. Адабий жараёнларда ҳам у ўзига хос мазмун касб этди. 1984 йил декабр ойида Ханчжоу шаҳрида “Янги давр адабиёти: ретроспектива ва прогноз” Кенгаши ўтказилади. Кенгаш иштирокчилари орасида ёш ва кекса авлод ёзувчилари ва танқидчилари иштирок этдилар. Шунингдек, “ўқимишли ёшлар”га мансуб бўлган Хань Шаогун, Ли То, Чжэн И, А Чэн, Ли Цинсилар ҳам бор эди. Кенгашдан сўнг унинг иштирокчилари бирин кетин “илдизларни излаш” 寻根文学 xúngēn wénxué адабиётига доир фикр мулоҳазалари акс этган мақолалар ёза бошладилар. Чжэн Ванлуннинг “Менинг илдизларим”, Ли Ханьюннинг “Илдизларимни тартибга келтириш”, А Чэннинг “Маданият инсониятни чегаралайди” каби мақолаларидир. Булар орасида, айниқса, Хан Шаогун бу йўналишда фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг “Адабиёт илдизлари” 文学的根 мақоласи бу адабий йўналишнинг манифести сифатида қабул қилинди<sup>6</sup>. Хань Шаогун “адабиётнинг илдизлари бор, адабиётнинг илдизлари анъанавий миллий маданият асосларига чуқур кириб бориши керак. Агар илдизлар чуқур

<sup>4</sup> Wang Meng. Our Responsibility//Chinese literature. – Beijing, 1980. No 4. P.102-105// Иқтибос О.Н. Рябенконинг юқори номи зикр этилган мақоласидан олинди. Б.41

<sup>5</sup> Хан Шаогун – 1953 йил 1-январда Хитойнинг Хунан провинциясида туғилган. Маданий инқилоб йилларида олти йил қишлоқда яшайди. Ижодини 1974 йилда бошлаган. 1996 йилда “Дунёнинг чеккаси” журналининг таъсисчиларидан бири. 1978-1985 йилларда “чандиқлар адабиёти” ва “ўтмиш ҳақида ўйлар” йўналишида қисса ва ҳикоялар ёзган. <http://hkcinema.gotar.ru/chinlit/hanshaogong/hanshaogong.htm>

<sup>6</sup> Хун Цзычэн. История современной китайской литературы. Москва, 2016. - С.300

бўлмаса, унинг япроқлари ҳам гуллаб яшнамайди”, дея эътироф этади. Буларнинг барчаси “илдизларга қайтиш” адабиётининг концепциясини шакллантиришга замин яратди.

Адабиётда бу йўналишнинг ривожланиши ўзига хос бир зарурат эди. Чунки Маданий инқилобдан кейин кўпгина ёзувчилар мавжуд адабиётнинг қашшоқлигини, қоқоқлигини тушуниб етдилар ва адабиётнинг янги босқичга қадам қўйишига фаол интилдилар. Бу жараёнда улар лозим бўлса ғарб адабиётига, хусусан, модернистик адабиётга муурожаат қилиш жоиз деб ҳисобладилар. Ғарб адабиёти ҳақида бир қадар тушунчага эга бўлгач эса, тушуниб етдиларки, ғарб ёзувчиларидан нусха кўчириш ҳам, уларнинг мактабини ўзлаштиришлари ҳам барибир оригинал бадиий ижодни яратишга ёрдам бермайди. Бу жараёнга нисбатан танқидчиликда билдирилган турли туман фикрлар бир нуқтада уйғун келди: хитой адабиётига кенг маданий қатламда асос солинсагина дунё билан мулоқотга кириша олади.<sup>7</sup> Сиёсий идеология, воқеликни танқид қилишдан бир қадар четлашиш кузатилди. Насрий асарлар яратилиши жадаллашди. Насрда турли ҳудудларнинг маданияти, урф-одатлари, кундалик ҳаётига чуқур қизиқиш кузатилди. “Ўқимишли ёшлар” орасидан чиққан ёзувчи ёшлар жуда бой маданият билан тўқнаш келдилар ва унинг имкониятлари олдида ҳайратда қолдилар. Конфуцийлик, даосизм, буддизм ҳақидаги рисолаларда акс этган чуқур фалсафа уларни ўзига мафтун қилди. Мазмунан хитой миллий анъаналари етакчилик қилсада, Флокнер ва Гарсия Маркес асарларидаги баён услубидан ҳам ижодий таъсирландилар. 80-йилларнинг ўрталари ва охирларида энг кенг тарқалган мавзу “адабиётни у ифодалайдиган илк тушунчасига қайтиш”. Бу ўз навбатида рўй бераётган жараёнларда адабиётнинг маънавий соҳадаги ролини оширди. Шунингдек, қайсидир маънода маърифий соҳадан узоқлашаётганини намойиш этиб, адабиётда кўтарилаётган мавзулар кўп қиррали характер касб этарди. Уларда адабиётдан ижтимоий жавобгарликни олиб ташлаш, “инсон ҳаётига аралашини” шиорига шубҳа билан қараш, ижтимоий ва сиёсий мавзуларни илгари сураётган асарларни танқид қилиш, адабий услуб ва шаклларга кўпроқ эътибор бериш тамойиллари кузатилди. Айнан шу даврда “шеърият шеърият учун” деган ғоя туғилди, тил ва ҳикоя қилиш (баён) имкониятларини ўрганаётган авангард наср ривож топди. Натижада шеърият ва насрда “шахсий ижод” тушунчаси пайдо бўлди, шоир ва ёзувчилар орасида йирик ижтимоий ва сиёсий мавзулардан узоқлашини, воз кечиш ҳолатлари кузатилди. Хитой адабиёти тарихида 80-90 йиллар аёллар адабиётининг юқори даражада ривож топганлиги билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, “70 йилларнинг охиридан 80-йилларнинг ўрталарига қадар мамлакат чуқур маданий

<sup>7</sup> Хун Цзычэн. Там же. –С. 305

трансформацияни бошидан кечирди ва аёл ижодкорлар бу маданий ва лингвистик трансформацияда фаол иштирок этдилар”.<sup>8</sup>

Бадий насрга аёл ижодкорларнинг катта оқимининг кириб келиши 80 йилларнинг маданий феномени сифатида қаралади. Бу йилларда Бин Син, Люй Ин, Лин Шухуа, Бай Вэй, Ло Шу, Дин Лин, Су Сюэлинлар бу йўналишнинг асосий кучи эди. Адабиётда аёллар номларининг кўпайиши, энг аввало, аёлларнинг эркинликка чиқиши масаласи ижтимоий муаммо сифатида кун тартибига қўйилди. Асосий таркибни зиёлилар ташкил этган ислохотчилар аёлларни ҳар томонлама қўллаб қувватладилар. Бу ўринда эътибор қаратиши керак бўлган муҳим бир жиҳат мавжуд. 80-йилларнинг бошларида адабиётга кириб келган адибалар махсус гендер гуруҳ сифатида шаклланмаган эди. Хитойлик танқидчилар, китобхонлар ва адибаларнинг ўзлари ҳам аёл ва эркак ёзувчилар ўртасида фарқ бўлиши керак эмас деб ҳисоблаганлар. Зеро, эркак ва аёл ёзувчилар “чандиқлар адабиёти”, “илдизларни излаш” ва бошқа йўналишларда бирдек фаол бўлдилар. Гендер ва ижод ўртасидаги ички боғлиқлик, аёллар ижоди ва аёллар адабиёти концепцияси 80-йилларнинг ўрталарига келибгина илгари сурила бошланди. Бунинг асосий сабаби эса, айрим адибалар ўзларининг асарларида аёллар масаласини кўтариб чиқа бошладилар ва аёллар нуқтаи назарини ифодалай бошладилар.<sup>9</sup> Айнан шу йилларда “аёллар адабиёти” ўзи мавжудми деган масалага аёл ижодкорларнинг ўзлари томонидан ҳам қарама қарши ёндашувлар кузатилди. Баъзи адибалар “аёллар адабиёти” йўналиши мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, ўзларини гендер мансублик жиҳатига урғу беришларини истамадилар. “Аёллар адабиётига” мансублик гўёки уларнинг ижодий қобилиятига менсимай, паст назар билан қарашга олиб келади. Аммо замонавий ғарб феминизмининг адабиётга кириб келиши, аёл ёзувчиларнинг ижодий тажрибасининг тобора ортиб бориши, адабий доираларнинг аёллар адабиёти концепциясига бўлган муносабатни тубдан ўзгаришига олиб келди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллар бошлари Хитой халқи тарихида янги босқич бошланди. Мамлакатда “очиқ эшиклар” сиёсатининг амалга оширилиши ҳам сиёсий, ҳам маданий соҳада жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Яқин тарихнинг аччиқ тажрибаларини, тушкунлик ва ишончсизликни ўзида акс эттирган “чандиқлар адабиёти”, “ўтмиш ҳақида ўйлар адабиёти” ўрнини ўтмиш меросдан ижобий ва инсонпарвар ғояларни ўзлаштиришга қаратилган “илдизларни излаш” йўналиши эгаллади. XX асрнинг 80-йилларида адабиёт майдонида бир вақтнинг ўзида учта: катта, ўрта ва ёш авлод ёзувчи ва шоирлари ижод қилдилар. XX

<sup>8</sup> История современной китайской литературы. – Москва, 2016. -С.347

<sup>9</sup> Ли Цзыюнь «Очищение человеческой души». Пекин, «Сяньлянь», 1984; У Дайин. “Беседы о женской прозе новой эпохи”// «Современная литературные веания», Ланьчжоу, 1983, №4; «Женский мир и женская литература»//Пекин, «Литературная критика», 1986, №1

асрнинг 80- йиллари адабиётга аёл ижодкорларнинг катта гуруҳи кириб келди. Натижада бу жараён “маданий феномен” сифатида қабул қилинди. Булар орасида Чжан Цзе, Лин Ли, Ван Ани, Чжу Линь, Тие Нин, Сюй Сяобинь, Лю Сола, Цань Сюэлардир. Бу аёлларнинг ижоди нафақат “аёллар адабиёти”нинг сифат ўзгаришига сабаб бўлди, балки, умуман, 80- йиллар адабиёти тарихининг ажралмас, узвий қисмига айланди. Жанр нуқтаи назаридан қараганда, аёллар адабиётида роман, ҳикоя ва эссе жанрларининг кўплаб яратилганлиги кузатилди.

### ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCE):

1. Рябченко О.Н. Литература Северо-Востока КНР в период реформ//Ойкумена, 2009, №3. – С.42
2. Хун Цзычэн. Литературные процессы в 80-е годы./ В книге: История современной китайской литературы. – Москва, 2016. - С.196
3. Рябченко О.Н. Литература Северо-Востока КНР в период реформ//Ойкумена, 2009, №3. – С.40
4. Wang Meng. Our Responsibility//Chinese literature. – Beijing, 1980. No 4. P.102-105// Иқтибос О.Н. Рябченконинг юқори номи зикр этилган мақоласидан олинди. Б.41
5. Хун Цзычэн. История современной китайской литературы. Москва, 2016. - С.300
6. Ли Цзыюнь «Очищение человеческой души». Пекин, «Сяньлянь», 1984; У Дайин. “Беседы о женской прозе новой эпохи”/ «Современная литературные веания», Ланьчжоу, 1983, №4; «Женский мир и женская литература»//Пекин, «Литературная критика», 1986, №1
7. Harrison J.P. The Long March to Power. A History of the Chinese Communist Party / J.P. Harisson. – New York – Washington : International Thomson Publishing, 1972
8. Асланов Р.М. Три модели и перспективы социализма в КНР//Восток-Россия-Запад: Ист. и культурол.исслед: К 70-летию акад. В.С.Мясникова. – М., 2001
9. Бергстен Ф., Гилл Б., Ларди Н., Митчелл Д. Китай. Что следует знать о новой сверхдержаве. – М.: Институт комплексных стратегических исследований, 2007
10. Бондарева В.В. Культура и «культурная революция» в КНР (1966-1976 гг.): соотношение понятий/ В.В.Бондарева// Гарни 2004: материалы Научной сессии ФИСМО (факультет истории, социологии и международных отношений). – Краснодар: Кубанский государственный университет, 2004
11. Демидо Н.Ю. Чжан Цзе//Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. Москва, Восточная литература, 2006. –Т.3
12. Корец Г.Б. //Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. Москва, Восточная литература, 2006. –Т.3

13. 刘思谦.中国女性文学的现代性.文艺研究，1998
14. 李玲.中国现代文学的性别意识.北京：人民文学出版社，2002
15. 张细珍.女性文学中的非女性意识.百花洲,2004
16. 林幸谦.女性主体的祭奠，桂林：广西师范大学出版社，2003